



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Бог‘от shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - avgust

719a -son

Бог‘от shaharchasi

Фуқаро Давлетов Болтабой
Бабажановичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Богот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида яшовчи фуқаро Давлетов Болтабой Бабажановичнинг “Абу Райхон Беруний” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 17 мартдаги ШЯ-Д-1146-сонли аризасини, 1998 йил 18 февралдаги Васиятнома ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Богот туман филиалининг 2021 йил 26 февралдаги 613-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Богот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида жойлашган 4 (тўрт)та хонадан иборат, яшаш хоналари 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 49,98 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 55,33 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 105,31 квадрат метр, қурилиш ости майдони 136,6 квадрат метр, умумий ер майдони 220,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Давлетов Болтабой Бабажановичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Давлетов Болтабой Бабажановичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга ошириганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Давлетов Болтабой Бабажановичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев